



Ёшларнинг ақлий салоҳиятини юксалтириш йўллари

Тошкент тиббиёт академияси

педагогика фанлари номзоди, доцент:

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,

экология атроф муҳит муҳофазаси ва кимё факультети

Турғуннўлатова Муқаддам Қодиржон қизи

106-гуруҳ талабаси

Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли

402-А гуруҳ талабаси

Аннотация: ушбу мақолада ёшларнинг ақлий дунёқарашини юксалтириш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ҳал этишининг энг муҳим долзарб йўналишлари илмий-методик жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: ақл, илм, дунёқараш, фикр, тафаккур, гоя, ақлий фаолият, маърифат, комил инсон.

Ёшларнинг онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини тарбиялаш имконияти яратилади. Дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилганда яхлит ақлий дунёқараш ҳосил бўлади. Ёшларнинг ақли, онги билан боғлиқ ҳолда шаклланган дунёқараш - индивидуал дунёқараш бўлади. Бу жараёнда индивидуал дунёқарашнинг кенгайиб бориши, ижтимоий дунёқарашни юксалтиришга асос бўлади ва улар доимо бир-бири билан мунтазам алоқадорликда бўлади ва бир-бирини ривожлантиради. Бу жараён шахс камолоти босқичида яққол сезилади. Ёшларнинг ақлий дунёқарашини уларнинг



орзу–умидларини рўёбга чиқиши билан боғлиқ бўлиб, ижодий фаолият натижасида ривожланади. Ақл илм билан чархланади. Илм орқали ҳаётнинг ҳар қандай сир синоатларини унинг қонуниятларини билиш мумкин. Ақл олий неъматдир. Ақлга асосланган ҳолда соғлом турмуш тарзини белгиланади. Фикрлаш эркинлиги ёшларнинг интеллектуал ва маънавий ҳаётининг ҳамма йўналишларини ўз ичига олади. Фикр инсон олдида энг оддий бўлсада, бирор муаммо ёки вазифа турганда пайдо бўлади. Фикрлай олиш қобилияти ўйин, ўқиш, меҳнат ва ижодда пайдо бўлади ва ривожланади. Илм ўқиш, ўрганиш ва шахсий ҳаётидаги тажрибалар, кузатишлар натижасида шаклланган билим ва малакалар мажмуидир. Фикрлай олган инсонда ғоя пайдо бўлади. Ғоя билан фикр бир–биридан фарқ қилади. Фикр шахсий муносабатни ифодаласа, ғоя ижтимоий мақсадни акс эттиради. Шунинг учун ҳам ғоя тафаккур маҳсули, ижтимоий қимматга эга бўлган фикрдир. Илм-маърифат инсонни юқори даражага кўтаради ва нурли келажакни олдиндан кўра олишига имкон беради.

Комил инсон бўлишнинг ягона йўли - ўз-ўзини ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбиялашни кучайтиришдир.

Ақлий фаолиятни самарали йўлга қўйиш асосида дунёқараш шаклланади. Ёшлар ақлий тарбиясида қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор берилади:

- ёшларга илмий билимлар бериш ва уларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш;
- ёшларнинг мавжуд билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш ва билимларини доимий равишда бойитиб боришга интилиш туйғусини шакллантириш;
- билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилиятлар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий ҳаёл) ва хусусиятлар - аниқ мақсадга интилиш, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур юритиш, ўз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни



умумлаштириш, гурухлаштириш, мантикий хулосалар чиқаришини ривожлантиришга эришиш;

- самарали ақлий таълим-тарбия бирлиги асосида ёшларнинг илмий фикрлаш доирасини кенгайтириш.

Ақлий тафаккур узоқ муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келади. Ёшлар ақл-идрок туфайлигина ўзлигини англаб етади, эл-юрт деб яшайди, юрт истиқболи учун қайғурадиган комил инсон эканлигини намоён этади.

Юксак маънавият ва маърифатли, маданиятли инсон ҳар бир нарсани ақл-идрок билан оқибатини ўйлаб иш юритади ва доимо элим деб, юртим деб яшайди. Маънавиятли инсоннинг ақл-заковати чархланган бўлади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов «Мен ХХI аср маънавият асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян ишонаман. Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонаман»¹, деган эдилар. **1. Ислон Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд Т.: «Ўзбекистон», 1996, 338 бет.**

Ҳақиқатан ҳам инсоннинг маънавий-руҳий ва ақлий - ахлоқий жиҳатдан тарбияланиб, камол топиши жамиятимиз тараққиётини тезлаштиради. Тараққиёт тақдирини эса маънавий жиҳатдан етук инсонлар ҳал этади.

Абдулла Авлоний инсон ақлий камолоти хусусида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этади: “Илм дунёнинг иззати, оҳиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдир, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўтқир қилур, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдорда айириб берур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабидир”. **2. Абдулла**



**Авлоний танланган асарлар 2 жилдлик, 2-жилд Тошкент “Маънавият”-
1998.48 бет.**

Берунийнинг маърифий қарашлари. Берунийнинг «Минералогия» номли асарида инсон ер юзидаги барча мавжудотларга қараганда масъулиятлироқ вазифаларни бажариши кераклигини куйидагича ифодалайди: «Инсон табиатнинг энг олий зоти камолотидир, инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради. Инсонга катта шараф кўрсатилган — унга ақл-заковат ва куч бахш этилган. Шу сабабдан, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдига куйилган вазифаларга мос бўлиши учун у юксак ахлоқли, билимли, маърифатли бўлмоғи даркор» дейилади. У инсоннинг камолотга эришуви тажрибага таянувчи ақл-идрокдан бошланишини, инсон ташқи дунёни

билишга қобиллигини, шу асосда билим олишни, ҳақиқатни излашини, ҳақиқат эса унинг тўғри ҳис-туйғуларини тақозо этишини ва шуларнинг ҳаммаси инсон шахсини камол топишининг бош йўли эканини баён қилган. Шунингдек, билимларни ўзлаштириш, янги билимларнинг яратилишига олиб келишини айтади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида ҳам илм нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилиши эканлигини алоҳида қайд этади.

Шоир Фирдавсийнинг тарбия ҳақидаги фикрларида – инсонни хайру саховатли бўлишга етакловчи куч илм ва ҳунар эканлиги, илмни инсонга сингдирувчи нарса эса ақл эканлиги таъкидланади. У ақлни куйидагича таърифлайди:

Ақл бир тирик жон, билмайди завол,
Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.
Ақл йул кўрсатиб дилни этар шод,
Ҳар нечук илмдан эшитсанг, бир сўз.
Уни тинмай ўрган кечаю кундуз.



Абу Наср Форобийнинг кайд этишича, инсон ўзида комиллик сифатларини таркиб топтириш учун. биринчи навбатда, илмий билимларни эгалламоғи лозим, шунингдек у шахс ақлий ривожланишининг асоси сифатида идрок қилиш ва фикрлаш қобилиятларининг аҳамиятини алоҳида қайд этади. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахтга эришиш ҳақида” каби асарларида баркамол шахсни тарбиялаш ишларининг мазмуни, мақсади, вазифалари, йулари ҳамда воситалари тўғрисида сўз юритилади. Абу Наср Форобий “ўқитиш” ва “тарбиялаш” тушунчаларига биринчи булиб таъриф берган олим саналади. У инсоннинг мукамал зот эканлиги, унда ақлнинг пайдо бўлиши ва унинг қудратли куч эканлиги тўғрисидаги ғояларида: “Тил ва тушунча соҳиби бўлган тирик зот инсондан ортиқроқ мукамал бўлган тирик зот йўқдир” дейилади. **3.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.- Б. 144.**

Абу Наср Форобий инсоннинг ақлини ривожлантириш орқали, уни мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш масаласини жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири сифатида қараган.

“Ақл қуввати туфайли инсон гўзал билан хунукни бир-биридан айира олади, санъат билан билимни яратади” **4.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 149-150.**

Худди шу йўналишда ёшларнинг ақлий тафаккури ва салоҳиятини кучайтиришга даъват этувчи фикрларни чексиз давом эттириш мумкин.

Шуни унутмаслик керак, ёшлар янгича фикрлаш асосларини яхши эгаллаб олсагина, улар албатта бой тарихий, тарбиявий меросини, замонавий, маънавий, инсоний сифатларини онгли равишда ўзлаштирадилар. Бундай ёшлар иродавий сифатларга эга бўлиб, баъзи қийинчиликларни осонгина бартараф эта оладилар. Уларда маълум маънода мутақиллик малакаси



шаклланган бўлиб, билим, кўникмаси етарли даражада бўлади. Ёшларни замонавий фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан баҳраманд этиш учун барча шароитлар яратилди ва кўплаб ишлар амалга оширилди. Бу жараён ҳамон қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, - деб таъкидлайди.

5. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016. 14-бет.

Кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг самараси сифатида бугун ёшларимиз ҳақиқатан ҳам ҳар жабҳада таянчимизга айланмоқда. Ёшлар сиёсати мамлакатимизда давлатнинг энг муҳим вазифаси сифатида доимо устувор аҳамият касб этиши бежиз эмас, албатта. Бу бизнинг халқимизга, ўзбек миллатига хос бўлган ва қон-қонига сигиб кетган болажонлик руҳиятининг маҳсулидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар муваффақиятининг муҳим шarti халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллигига таянишдир. Ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қурилаётган пайтда инновацион ижтимоий билиш усули ва тафаккур тарзи шаклланишини тақозо этмоқда. Шунга кўра, ёшларнинг илмий тафаккур тарзи даражаси, ижодий фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш давр талабидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларимизда энг яхши сифат ва фазилатларни таркиб топтиришда инновацион таълимнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам илм – маърифат инсоннинг бойлиги бўлиб, унинг иродаси, хисси ва фикрларини ифодалайди, уларнинг ғоявий, маънавий тарбиясига ижобий таъсир этади. Шунингдек, реал воқеликнинг бойликлари ва



ранг-баранг томонларини ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан акс эттириш, янги, чинакам фуқаролик жамияти мазмунини зўр қизиқиш билан яққол гавдалантириш ҳамда жамиятнинг олға ҳаракат қилишига тўсқинлик қилувчи мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Илм-маърифат инсоннинг воқеликдан ажратмаган ҳолда юксалишини таъминлайди ва унинг қалбини, бутун турмушини ўз ҳарорати билан иситади. Энг муҳими, инсонларнинг биргаликда меҳнат қилиши, бир-бирларига дўст, инсонпарвар, меҳнатсевар, фидойи, шижоатли бўлишларига га ёрдам беради. Илм-маърифатни севмайдиган, ундан завқланиб баҳра олмайдиган ким бор? Бизнинг халқимиз маърифатли бўлишни жуда севади. Нега деганда илм - маърифат ўзининг чинакам ҳаққоний ғоялари билан бизга турмуш ва меҳнатда доимий ҳамкор, ҳамнафасдир. Илм – маърифатдан биз ўз дунёқарашимизни англаб, эгаллаб оламиз.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш орқали уларнинг чуқур билимларга эга бўлиши ва ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етишига имконият яратиш, энг муҳими илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништириш асосида уларнинг мустақил ижодий эркин фикрлаш кўникмалари ҳосил қилинади. Ана шунда ақлли, билимли, ижодкор, қобилиятли, доно, камтар, инсонпарвар, адолатли, соғлом бўлган комил инсонни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Айниқса, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш,



бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини раҳбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш, илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш долзарб масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд Т.: «Ўзбекистон», 1996, 338 бет.
2. Абдулла Авлоний танланган асарлар 2 жилдлик, 2-жилд Тошкент “Маънавият”-1998.48 бет.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.- Б. 144.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 149-150.
5. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016. 14-бет.